

for normality." *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)* 10.1 (2021): 79-83

33. RedBird [Электронный ресурс]. URL:
<https://www.mheducation.com/prek-12/explore/redbird.html>
34. LearnSmart [Электронный ресурс]. URL:
<http://learnsmartadvantage.com/>

УДК:61. 004

**РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: ТИББИЁТДА СУНЬЙИ
ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ЖИҲАТЛАРИ.**

**Сулаймонова Гулнора Турсуналиевна¹, Сафарова Хулкар Норбек
қизи²**

**¹ТДСИ Микробиология ва фармакология кафедраси доценти
sulaymonova60@mail.ru**

**²ТДЮУ Конституциявий хуқуқ кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар
доктори PhD
hsafarova46@gmail.com**

Аннотация: Ушбу мақолада сунъий интеллект тизимларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва имкониятларига кўра турлари ҳамда уларни тиббиёт соҳасида қўллаш орқали таълим сифатини ошириш ҳақида фикрлар юритилган. Ўзбекистонда инсонларнинг малакали тиббий хизматга бўлган хуқуқини таъминлашда сунъий интеллект ва унинг хуқуқий тартибга солиш истиқболлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, феномен, тиббиётда сунъий интеллект, технология, рақамлаштириш.

**ЦИФРОВЫЕ ВОПРОСЫ: ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В МЕДИЦИНЕ.**

Сулайманова Гульнора Турсуналиевна¹, Сафарова Хулкар Норбек кизи²

**¹ТГСИ, доцент кафедры микробиологии и фармакологии
sulaymonova60@mail.ru**

**²ТГЮИ, преподаватель кафедры конституционного права, доктор
юридических наук PhD
hsafarova46@gmail.com**

Аннотация: В данной статье рассматриваются вопросы возникновения, развития и видов систем искусственного интеллекта в зависимости от их возможностей, а также повышения качества образования за счет их применения в области медицины. Информация об

искусственном интеллекте и перспективах его правового регулирования в обеспечении права граждан на квалифицированные медицинские услуги в Узбекистане.

Ключевые слова: искусственный интеллект, феномен, искусственный интеллект в медицине, технологии, цифровизация.

DIGITAL ISSUES: SPECIFIC ASPECTS OF USING ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN MEDICINE.

Sulaimanova Gulnora Tursunaliyevna¹ Safarova Xulkar Norbeck's daughter²

¹*Associate Professor of the Department of Microbiology and Pharmacology, TDSI, sulaymonova60@mail.ru*

²*Teacher of the Department of Constitutional Law of TSLI, doctor of legal sciences PhD, hsafarova46@gmail.com*

Abstract: This article discusses the emergence, development and types of artificial intelligence systems according to their capabilities, as well as improving the quality of education through their application in the field of medicine. Information about artificial intelligence and its legal regulation perspectives in ensuring the right of people to qualified medical services in Uzbekistan.

Keywords: artificial intelligence, phenomenon, artificial intelligence in medicine, technology, digitization.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида инсонни соғлиққа бўлган ҳуқукини таъминлаш, ҳар томонлама кафолатлаш соҳасида илм-фан тараққиётининг сўнгти ютуқларидан кенг фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда. Сунъий интеллект технологияларининг дунё амалиётида жадал ва кенг қўлланилиши ҳамда шу каби рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини мамлакатимиз ҳаётида фойдаланишининг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шартшароитлар яратиш бугунги куннинг талабидир.

Ушбу янги йўналишлар сифатида инсон тана аъзоларини жарроҳлик йўли билан кўчириб ўтказиш (трансплантация), инсон аъзоларини янги хўжайралар асосида фаоллаштириш, тиббиёт соҳасида, даволаш ва ташхис қўйиш амалиётига сунъий интеллектни жорий қилиш жараёни фуқароларнинг соғлигини сақлашда асосий йўналишлардан бири сифатида шаклланмоқда. Сўнги йилларда бир қатор давлатларни ушбу соҳаларни ҳуқуқий тартибга солишга бўлган урунишларини ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда инсонлар соғлигини сақлашда нанотехнология маҳсулотлари, сунъий интеллект, сўнги ахборот технологиялари, нанотехнология маҳсулотларидан фойдаланишининг ҳуқуқий асослари яратилмаганлиги ҳам тиббиёт соҳасини фуқаролар соғлигини сақлаш бўйича имкониятларини чекланишига, мавжуд муаммоли вазиятларга

зудлик билан самарали чора қўллаш имкониятларини чекланишига ҳам сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу ҳолатлар айниқса, COVID-19 пандемияси даврида шифокор мутахасисларнинг етишмаслиги, касалларнинг сонини кескин ортиши шаротида bemорларга уй шароитларида масофавий шаклда малакали маслаҳатлар бериш, дори воситаларини излаш, уларни bemорлар яшаш жойларига етказиш бериш, зарур тиббий муассасаларни излаб топиш каби оддий хизматларни электронлашмаганлиги, ушбу соҳаларга ривожланган давлатлар томонидан ўн йиллардан буён қўлланилиб келинаётган ақлли ёндашувларни жорий қилинмаганлиги кўплаб фуқароларнинг соғлиққа бўлган конституциявий хуқуқларини бузилишига олиб келганлиги барчамизга сир эмас.

Пандемия шароитидаги ушбу тажрибалар олдимизга инсон саломатлигини асраш ва хуқуқий жиҳатдан кафолатш соҳасига рақамли технологияларни, сунъий интеллект маҳсулотларини жорий қилиш каби истиқболли масалаларни хуқуқий ечимлари ҳақида тадқиқотлар ўтказиш заруратини вужудга келтирди.

Қайд этиш зарурки, илм-фаннинг замонавий тараққиёти инсон ҳаёти сифатини ошириш, инсон саломатлигини асраш ва тиклаш учун қулай шартшароит яратишнинг янги имкониятларини очмоқда. Шундай замонавий имкониятлардан бири сифатида ҳозирги кунда фуқароларнинг соғлигини сақлаш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ёки жарроҳлик амалиётларини кўрсатишда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект технологиялари жорий этилаётганлигини кўрсатишимиш мумкин.

Кўпгина олимлар инсоният сунъий интеллект билан боғлиқ тўртинчи саноат инқилобини бошдан кечирмоқда, деган фикрни илгари сурадилар. Шу билан бирга, инсоннинг ҳаёт тарзи ўзгариб, жамият ўзгариб, иқтисодиёт ўзгариб бормоқда. Яқин-яқингача илмий фараз саналган ғоялар бугунги кунда ҳақиқатга айланяётганлигини ҳам қайд этиш зарур. Бугунги кунда сунъий интеллектнинг глобал бозордаги пул айланмаси тахминан 664 миллион долларни ташкил этади ва 2025 йилга келиб 38,8 миллиард долларга ўсиши кутилмоқда:

“Сунъий интеллект” тушунчаси биринчи бўлиб ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида аниқланган. У ақлли машиналар яратиш учун илм-фан ва тегишли технологияларни тушунган J.McCarthy номи билан боғлиқ.

J.McCarthy қайд этишича “Сунъий интеллект инсон ақлий фаолиятини тушуниш учун компьютерлардан фойдаланиш вазифаси билан боғлиқ, аммо биологияда кузатилган усуслардан фойдаланиш билан чекланмайди”.

Сунъий интеллектнинг ilk элементларини яратилиши ва ривожланиши бўйича кўплаб маълумотлар бўлиб, уларни таҳлили асосида шуни қайд этиш зарурки, ушбу феномен дастлаб математик формулаларни ҳисоблаш, алгоритмга асосланган вазифаларни мустақил бажариш, шахмат ўйинлари соҳасига жалб қилишда намоён бўлган. Сўнги йилларда эса

сунъий интеллект нафақат аниқ фанлар соҳасида, балки табиий фанларга ҳам таъсир кўрсата бошлади. А. Э. Евстратов ва И. Ю Гученков ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда алоҳида қайд этишадики, ҳозирги қунда сунъий интеллект технологиялари инсон ҳәтигининг турли соҳаларида: тиббиёт ва оғир саноатдан тортиб, компютер ўйинларини ривожлантириш ва фильмлар яратишда фаол фойдаланилмоқда.

Лекин, айрим мутахасислар ушбу кенгайишни салбий тарафларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиласидилар. Хусусан, А. В.Гусев ва С. Л. Добриднок сунъий интеллект технологияларига сўнги вақтларда кўпроқ муҳим вазифалар ишониб топширилганлиги сабабли, бундай хатоларнинг оқибатлари кутилмаган ва оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, бу айниқса сунъий интеллектнинг инсон ҳаёти ва соғлиги хавф остида бўлиши мумкин бўлган тиббиётда қўллаш масалаларида яққол намоён бўлади, деб қайд этганлар.

Шунга қарамай, тан олиш керакки, узлуксиз давом этаётган илмий ва технологик тараққиёт даврида сунъий интеллект ҳаётимизда тобора муҳим аҳамият касб этаётган экан, ушбу технологияларни қуйидаги масалаларни ҳуқуқий ечимини топиш учун ҳам ўрганишни давом эттирилиши керак: **биринчидан**, инсоният келажагидаги сунъий интеллектнинг роли ва ўрнини аниқлаш зарур, **иккинчидан**, айрим одамларга ёки одамлар гуруҳларига зарар етказмаслик учун сунъий интеллектдан фойдаланишнинг рухсат этилган чегараларини белгилаш, **учинчидан**, сунъий интеллектнинг табиати ва хусусиятларини тушунишга асосланган ҳолда, келажакда ҳал қилишлари мумкин бўлган муаммоларга энг яхши жавоб берадиган тарзда қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масалаларини ҳал қилиш талаб қилинади.

Замонавий давр ўз-ўзини ўрганишга, муаммоларни инсонлар билан тенг ҳал қилишга қодир эксперт тизимлар ва нейрон тармоқларни яратиш билан характерланади.

Сунъий интеллект шифокорни тўлиқ ўрнини боса олмайди. Сунъий интеллектнинг ҳозирги ривожланиши хатоларни минималлаштириш, муайян тиббий билимларни доимий ўрганиш ва аниқроқ диагностика технологиясига эга бўлишга хизмат қиласи. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда қайд этиш зарурки, ушбу технологиялар шахснинг соғлиққа бўлган ҳуқуқларини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Тиббиётда сунъий интеллектдан фойдаланиш диагностиканинг аниқлигини сезиларли даражада ошириши, турли касалликларга чалинган беморларнинг ҳаётини енгиллаштиришга, янги дориларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш тезлигини ошириши ва бошқаларга хизмат қилиши мумкинлигини амалий натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Тиббиётда энг катта ва энг кўп муҳокама қилинадиган сунъий интеллект лойиҳаси Американинг IBM корпорацияси ва унинг когнитив тизими IBM Watson саналади.

Дастлаб, ушбу тизим тизим онкологияга оид маълумотлар асосида ўқитила бошланди ва кейинчалик IBM Watson узоқ вақт давомида аниқ ташхис қўйиш ва ҳар бир bemorни даволашнинг самарали усулини топишга ёрдам бериб келмоқда.

Камдан-кам учрайдиган болалар касалликларини даволовчи Бостон болалар шифохонаси шифокорлари IBM Watsonдан аниқроқ ташхис қўйиш учун фойдаланмоқдалар. Ушбу тизимда сунъий интеллект Watson Health Cloudda сақланадиган клиник маълумотлар базаларида ва илмий журналларда керакли маълумотларни қидиради.

Хитойнинг “iFlytek” компанияси биринчи марта шифокор учун имтиҳон топширган ва амалиётга лицензия олган Хиаойи (Xiao Yi) ақлли роботини яратганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2017 йилда Nature журналида эълон қилинган мақолада одамларда учрайдиган тери саратонини таниб олиш ва аниқлаш имкониятини берувчи сунъий технологияларини қўлланилаётганлиги ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Шуни таъкидлаш керакки, аксарият ҳолларда касалликларнинг диагностикасида шифокорнинг роли психологоқ ва ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳеч қайси мутахассис томонидан инкор этилмайди. Масалани яна бир томони шундаки, бугунги кунда bemorлар ҳам фақатгина сунъий интеллект натижаларига суюниб қолишга тайёр эмаслар. Шунингдек, давлатлар қонунчилиги тиббиётдаги хатолар учун роботларга жавобгарликни юклашнинг ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишмаган.

Сўнгги пайтларда нафақат шифокорлар, балки bemorлар учун қулайликлар яратища сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Мисол сифатида, 2015 йил ноябр ойида ишга туширилган Британиянинг Your.MD компаниясининг мобил иловасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу мобил илова содда ва аниқ тилга мўлжалланган бўлиб, унга кўра bemor оддийгина қилиб ўзидағи тиббий муаммоларни айтиши мумкин, масалан: “Менинг бошим оғрияпти” дейилса мобил илова кейинги қадамлар бўйича тавсиялар ва смартфондан мутахассисларнинг маслаҳатини тақдим этади.

Тиббиёт соҳасидаги яна бир технология янгилик сифатида, Medtronic компанияси томонидан ишлаб чиқилган дастурний таъминот инсонни қонидаги шакар миқдорини белгиланган даражадан пасайиш ҳолатлари ҳақида уч соат аввал огоҳлантириш имкониятига эга.

Алоҳида минтақалар ва давлатларнинг ушбу соҳасидаги фаолияти бир неча йил олдин бошланганлигини қайд этиш зарур. Жумладан, 2017 йил феврал ойида Европа парламенти мустақил қарор қабул қилишга қодир бўлган мураккаб роботларга “электрон шахс” мақомини беришнинг ҳуқуқий имкониятларини кўриб чиқиш бўйича резолюция қабул қилган. Ушбу ҳуқуқий хужжат асосида барча тарафлар (роботнинг мулқдори, жабрлануви ва давлат)нинг манбаатларини таъминлашга қаратилган

самарали сұғурта тизимини ишлаб чиқишиң тақлиф қилинганды.

Европа иттифоқи қонунчилігінде сунъий интеллектни тартибда солишиңа қаратылған қуйидаги қойдалар белгилаб берилған: 1) сунъий интеллектта асосланған робот үз ҳаракати ёки ҳаракатсызлиги билан инсонға зарар етказа олмайды; 2) робот инсон буйруқтарига бўйси ниши керак; 3) робот үз хавфсизлиги ҳақида қайғуриши керак, агар ушбу ҳаракатлар қонунларга зид бўлмаса.

Шуни ҳам қайд этиш зарурки, АҚШда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг хуқуқий ва ахлоқий жиҳатлари бўйича жамоатчилик билан маслаҳатлашувлар ўтказилған бўлиб, унинг натижалари асосида келгусида ушбу соҳани хуқуқий тартибга солиш масалалари ҳал қилиниши белгилаб олинган.

Албатта, инсон саломатлиги ҳақида гап кетганда, энг аввало “зарари йўқ” тамоили мухим аҳамиятга эга бўлиб, тиббиётда янги технологияларни жорий этишда уни амалга оширишнинг қатъий меъёрий-хуқуқий базани пухта далиллар базасини ишлаб чиқилиши керак. Шуни тан олиш керакки, XXI асрда сунъий интеллект технология сифатида бизнинг ҳаётимизда, тиббиёт соҳасида қўлланадиган технологик тўпламда энг катта ўзгарувчан таъсирга эга бўлади. Шу боис, бизнингча, биринчи навбатда сунъий интеллект жорий қилинадиган тиббий-хуқуқий соҳаларни аниқлаб олиш талаб қилинади.

Умумий сунъий интеллект – ҳар қандай интеллектуал вазифани инсон каби самарадорлик билан бажара оладиган ақл тури. Умумий сунъий интеллект ақлли ва одам каби ўйлайдиган тизимдир. Ҳозирги кунда умумий сунъий интеллектни ифодалайдиган ва инсон каби мукаммал ҳар қандай вазифани бажара оладиган бундай тизим мавжуд эмас. Дунё миқёсидаги тадқиқотчилар энди умумий сунъий интеллектга эга машиналарни ишлаб чиқишига эътибор беришмоқда. Умумий сунъий интеллектга эга тизимлар борасида ҳали ҳам изланишлар олиб борилмоқда ва бундай тизимларни яратиш учун кўп куч ва вакт талаб этилади.

Сунъий интеллект соҳасида тадқиқотларининг жадал ривожланиши ва ҳукumatлар ва саноат томонидан тақдим этилаётган манбаларни соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўлланилишини ва харажатларни тежаш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш учун катта имкониятларга эга.

Бизнингча, тиббиётда сунъий интеллектдан фойдаланиш касалликларнинг диагностикасини аниқроқ қилишга ёрдам беради ва касалликларни самарали даволаш ва олдини олиш имкониятига эга бўлади. Сунъий интеллект кўпроқ касал беморларни қутқаришга, соғлиқни сақлаш муассасалари самарадорлигини оширишга ва шифокорларнинг ишини енгиллаштиришга ёрдам беради.

Сунъий интеллект обьектлари фаолиятининг хуқуқий режимини қонунчилікда белгиланиши нафақат хусусий хуқуқни, балки амалдаги оммавий хуқуқ соҳалари доирасидаги оммавий хуқуқ нормаларини ҳам ўз

ичига олиши керак, бу эса, авваламбор, маъмурий ҳуқуқни ва маъмурий жавобгарликка оид нормаларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Тиббиётда эксперт тизимлари ва сунъий интеллект тармоқлари қуидаги вазифаларни бажариш учун мўлжалланган: катта миқдордаги ахборотни қайта ишлаш (электрон тиббий ёзувларни таҳлил қилиш); клиник ташхис жараёнини юритиш; асоратлар хавфини башорат қилиш; патологик жараёнларнинг эрта ривожланишини аниқлаш; терапия усулларини танлашга мослаштирилган ёндашувни қўллаш; ҳар бир беморнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Халқаро тажриба сунъий интеллект, шунингдек, унинг фаолияти одамлар ҳаёти ва соғлиғига бевосита таъсир қилиши мумкин бўлган соҳаларга кенг жорий қилинаётганлигини кўрсатади. Айниқса, ушбу технологияларни тиббиётда кенг қўлланилаётганлигини ҳам қайд этиш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига ҳамда 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон билан тақдиқланган «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қурай шарт-шароитлар яратиш мақсадида соғлиқни сақлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу албатта соғлиқни сақлаш тизимини келажакда янги поғонага олиб чиқишига хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=DRq1bqIAAAAJ&citation_for_view=DRq1bqIAAAAJ:u-x6o8ySG0sC
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/talim-zharayonida-suniy-intellektdan-foydalanishning-ziga-hos-zhi-atlari/viewer>
3. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=DRq1bqIAAAAJ&citation_for_view=DRq1bqIAAAAJ:d1gkVwhDpl0C
4. Zukhriddinovna, Khodjaeva Diyora. "Methodology of teaching physics in academic lyceums of medical direction." *Journal of Critical Reviews* 6.5 (2020): 2019

5. Zuhriddinovna, Khodjayeva Diyora. "Professional teaching of physics in academic lyceums in medical direction." *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 10.5 (2020): 837-840
6. Khodjaeva, D. Z., N. S. Abidova, and A. M. Gadaev. "Providing correct evaluation of students in distance learning." *polish science journal* (2021): 52
7. Khodjaeva, D. Z., B. I. Haydarova, and M. Z. Atajiyeva. "The importance of unification of sciences in higher education institutions and academic lyceums." *polish science journal* (2021): 55
8. Ходжаева, Д. З. "Предмет физики-как профессионально-ориентированное средство в формировании профессиональной деятельности врача." *Magyar Tudományos Journal* 38 (2020): 46-49
9. Абдуганиева, Шахиста Ходжиевна, Феруза Бахтияровна Нурматова, and Рахимжан Абдуллаевич Джаббаров. "Роль биомедицинской и клинической информатики в изучении медицинских проблем." *European Conference on Innovations in Technical and Natural Sciences*. 2017.
- 10.Нурматова, Феруза Бахтияровна. "Междисциплинарная интеграция биофизики в медицинском вузе." *Методы науки* 4 (2017): 78-79
- 11.Kh, Rakhimova. "Zh., Nurmatova FB The main physico-chemical properties of dental materials/Kh. Zh. Rakhimova, FB Nurmatova." (2018): 79
- 12.Абдуганиева, Шахиста Ходжиевна, and Феруза Бахтияровна Нурматова. "Прогнозирование атмосферного давления воздуха на город Антананариву на основе учета перераспределения гравитационных сил солнечной системы." *The priorities of the world science: experiments and scientific debate*. 2018
- 13.Нурматова, Ф. Б., and А. Н. Кобзарь. "Специфика обучения биофизике будущих стоматологов (из опыта работы российского и узбекского медицинских вузов)." *Педагогическое образование и наука* 3 (2020): 122-127
- 14.Кобзарь, Антонина Николаевна, and Феруза Бахтияровна Нурматова. "ИЗ ОПЫТА ПРЕПОДАВАНИЯ БИОФИЗИКИ В МЕДИЦИНСКИХ ВУЗАХ (НА ПРИМЕРЕ РОССИИ И УЗБЕКИСТАНА)." *Актуальные проблемы образовательного*

процесса в высшей медицинской школе: от теории к практике.
2019

- 15.Нурматова, Ф. Б. "Методические подходы к преподаванию биофизики в стоматологическом вузе." (2019): 198-203
- 16.Рахмонова, М. С., Ф. Б. Нурматова, and Р. Т. Муминов. "Использование музыкальной терапии при лечении больных в стоматологии." (2019): 233-237
- 17.Рахимова, Х., and Ф. Нурматова. "Основные физико-химические свойства стоматологических материалов." *Stomatologiya* 1.2 (71) (2018): 83-85
- 18.Рахимова, Х., and Ф. Нурматова. "Физические основы рефлексотерапии. Определение электроактивных точек на кожной поверхности." *Stomatologiya* 1.4 (73) (2018): 85-86
- 19.Рахимова, Хакима Джираевна, and Феруза Бахтияровна Нурматова. "Лечение воспалительных процессов слизистой оболочки полости рта переменным магнитным полем." *Высшая школа* 6 (2017): 84-85
- 20.Нурматова, Феруза Бахтияровна. "Электронный учебник как средство мультимедийного обучения: Нурматова Феруза Бахтияровна, ТГСИ, кафедра биофизики и информационных технологий в медицине, заведующая кафедрой feruzanurmatova_tdsi@mail.ru." *Научно-практическая конференция*. 2022
- 21.Bakhtiyarovna, Nurmataova Feruza. "Organization and Methodology Laboratory Works on Biophysics for Dental Direction." *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* (2021): 597-607
- 22.Bakhtiyarovna, Nurmataova Feruza. "Organization and Methodology Laboratory Works on Biophysics for Dental Direction." *Annals of the Romanian Society for Cell Biology* (2021): 597-607
- 23.Рахимова, Х., and Ф. Нурматова. "Стоматологик материалларнинг физик хоссаларини текширишда қўлланиладиган технологик усуллар." *Stomatologiya* 1.4 (65) (2016): 121-126
- 24.Юлдашев, С. Д., et al. "Стимуляция роста почечных телец в динамике постнатального развития." *Морфология* 133.2 (2008): 159a-159a
- 25.Нурматова Феруза Бахтияровна, Нигора Эргашевна Махкамова, and Улугбек Нуридинович Вохидов. "Интегративный подход к преподаванию биофизики в медицинском вузе на примере раздела"

- БИОАКУСТИКА." Молодой ученый Учредители: ООО" Издательство Молодой ученый" 12: 261-264
26. Абдуганиева, Ш. Х., and М. Л. Никонорова. "Цифровые решения в медицине." *Крымский журнал экспериментальной и клинической медицины* 12.2 (2022): 73-85
27. Абдуганиева, Ш. Х., and Л. А. Фазилова. "Мобильные учебные приложения: плюсы и минусы." *П24 Педагогика и психология в медицине: проблемы, инновации, достижения. Под редакцией д. м. н., профессора Ванчаковой НП—М. Издательство Перо, 2021.— (2021): 7*
28. Абдуганиева, Ш. Х., and Д. Исанова. "Изучение медицинских информационных систем на примере систем стандартизации" *ББК 1 А28* (2019): 23
29. Абдуганиева, Ш. Х. "Динамическая визуализация образования и развития белых кровяных клеток." *XVI-ая конференция, <http://www.mce.biophys.msu.ru/rus/archive/abstracts/sect22319/doc32130/>*
30. Абдуганиева, Ш. Х. "Некоторые аспекты преподавания математических наук в медицинском высшем образовании." *Ответственный редактор–проректор по учебной работе ФГБОУ ВО ОрГМУ Минздрава России д. м. н., профессор ТВ Чернышева* (2021): 271
31. Абдуганиева, Шахиста Ходжиевна, and Феруза Бахтияровна Нурматова. "Биомедицинская информатика." *Теоретические и практические проблемы развития современной науки.* 2017
32. Абдуганиева, Шахиста Ходжиевна, and Рахимжан Абдуллаевич Джаббаров. "Математическое моделирование в решении медицинских задач." *Научный прогресс* 3 (2017): 125-126
33. Абдуганиева, Шахиста Ходжиевна. "Цифровизация образования – путь к оптимизации преподавания: Абдуганиева Шахиста Ходжиевна, ТГСИ, кафедра биофизики и информационных технологий в медицине, старший преподаватель e-mail: Abduganieva72@mail.ru." *Научно-практическая конференция.* 2022
34. Назарова Н. Ш., Жуматов У. Ж., Касимов М. М. Состояние местной иммунологической реактивности полости рта у работающих в табаководческой промышленности //Журнал теоретической и клинической медицины. – 2014. – №. 4. – С. 18-20.

35. Abduganieva, Shaxista, and Lutfinisa Fazilova. "The use of asymmetry and excess estimates to verify the results of medical observations on indicators for normality." *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)* 10.1 (2021): 79-83
36. <https://cyberleninka.ru/article/n/konstitutsionnye-garantii-prav-grazhdan-na-kvalifitsirovannyyu-meditsinskuyu-pomosch-v-respublike-uzbekistan>
37. Рахимова И.И., Сафарова Э.М. "Безвозвратный шаг в никуда: сравнительный анализ суицида. Особые случаи у подростков" Вестник интегративной психологии 2022г. №25. С-214 <http://zikozlov.ru/magazines/vestnik/1427-vip-25-2022>.

SHIFOXONALARDA QABUL TIZIMINI AVTOMATLASHTIRISH WEB ILOVASINI ISHLAB CHIQISH

Turakulov Sh.X. Iskandarova F.N.

*Toshkent axborot texnologiyalari universiteti
sayyora5@mail.ru*

Annotatsiya. Ushbu maqolada shifoxona tizimi avtomatlashtirish veb sayti ishlab chiqilgan bo'lib, shifoxona tizimi strukturasini tizimga ish faoliyatlarini avtomatlashtirish uchun ko'chirilgan va ushbu veb sy orqali ish samaradorligiga erishish mumkin.

Kalit so'zlar: inson salomatligi, tibbiy muassasa electron tizimi, boshqaruvin, muloqot, raqamlashtirish

РАЗРАБОТКА ВЕБ-ПРИЛОЖЕНИЯ ДЛЯ АВТОМАТИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ПРИЕМА В БОЛЬНИЦЫ

Туракулов Ш.Х. Исандерова Ф.Н.

*Ташкентский университет информационных технологий
sayyora5@mail.ru*

Абстракт. В этой статье разрабатывается веб-сайт автоматизации больничной системы, структура больничной системы переносится в систему для автоматизации рабочей деятельности, и с помощью этого веб-сайта может быть достигнута эффективность работы.

Ключевые слова: здоровье человека, электронная система медицинского учреждения, управление, связь, цифровизация.

DEVELOPMENT OF A WEB APPLICATION FOR AUTOMATION OF THE SYSTEM OF ADMISSION TO HOSPITALS

Turakulov Sh.Kh. Iskanderova F.N.

*Tashkent University of Information Technologies
sayyora5@mail.ru*